



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИВСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган № 111 (9.455) 2000 йил 18 сентябрь, душанба Сотувда эркин нархда

ДАВР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

◆ Узбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизда биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш шартнома-режасини бажарган Асак ва Олтинкул туманлари пахтакорларига самимий табриқнома йўллади.

◆ Узбекистон Бадий академияси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида «Истиқлол меъмор — экран қаҳрамони» мавзuida мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг «Узбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарига асосида яратилган фильмнинг учинчи ва тўртинчи қисмлари тақдими бўлиб ўтди.

◆ Қирғизистон Бош вазири Омонгелди Муралиев амалий ташиф билан Тошкентда бўлди. Пойтахтдаги ҳукумат қароргоҳида Узбекистон Бош вазири Уткур Султоновнинг Қирғизистон Бош вазири Омонгелди Муралиев билан яқма-яқма учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳоли ва истиқболи билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

◆ Узбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унда «Воёга етмаганлар томонидан содир этилган жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида», «Судларда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида», «Харбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятларга оид ишларни кўриш бўйича суд амалиёти тўғрисида» ва «Узбекистон Республикаси Олий суди қошидаги илмий маслаҳат кенгашининг Низоми ҳақида»ги масалалар муҳокама этилди.

◆ Тошкент Алқа коллежида «Диний экстремизм ва унинг иллатлари» мавзуйига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

◆ «Экосан» халқаро экология ва саломатлик жамғармаси томонидан Оролбўйи ҳудудига ташкил этилган халқаро миссия Қорақалпоғистон республикасининг қишлоқ туманлари аҳолисига кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон, жумладан камқонликка қарши дориладан иборат умумий қиймати 10 миллион сўмлик мурувват ёрдами топишди.

◆ Тошкент электротехника алоқа институтида биринчи курсга қабул қилинган талабалар билан учрашув бўлиб ўтди.

◆ Бугун Самарқандда «Тил, элшунослик, маданиятлар хилма-хиллиги ва демократия» мавзuida халқаро семинар ўз ишینی бошлади.

◆ Тошкент Давлат аграр университетиде «Ешлар XXI асрга наркотик моддаларисиз» номли форум ўтказилди.

◆ «Узбектуризм» Миллий компанияси шу йилнинг 12-14 октябрь кунлари пойтахтимизда «Ипак йўли бўйлаб туризм» олтинчи халқаро туристик ярмаркасини ўтказди.

◆ Кеча республика болалар кутубхонасида болалар ва ўсирилларнинг таълим ва бўш вақтини маъмулий ўтказиш мақсадида ташкил этилган Медео маркази очилди.

◆ Тошкентда болалар ўртасида «Соғлом авлод учун» Кубоги учун теннис бўйича тўртинчи турнир ниҳоясига етди.

ЖАҲОНДА

◆ Қрим мухторият республикаси, Украина ҳукумати, «Жаҳон» ҳукуматлари телерадиокомпанияси, Россия журналистлар уюшмаси ташаббуси билан Ялта шаҳрида ўтказилган халқаро телекинофорум «Учинчи мингйиллик — ҳамкорликда» шiori остида ўтди. Анжуманда Руминия, Норвегия, Словакия, Украина, Тожикистон, Арманистон, Озарбайжон, Россия сингари 16 мамлакат телекиноусталари иштирок этишди. Улар орасида «Узбектеlevision» студияси ижодкорлари ҳам бор.

◆ Узбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасида мамлакатимиз мустақиллигининг тўққиз йиллигига бағишланган Узбекистон расмилари асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди. «Артс салон» номли инглиз фирмаси иштирокида элчихонамиз томонидан ташкил этилган мансур кўргазмада турли ижодий ва услубий йўналишларга мансуб бўлган ўзбек мўйқалам усталарининг асарлари намойиш этилди.

◆ Кеча ЮНЕСКОнинг бош директори Коичиро Мацуронинг Грузияга ташрифи ниҳоясига етди.

◆ Бугун Степанакертда ўз-ўзини Тоғли-Қорабоғ республикасининг президенти деб эълон қилган Аркадий Гукасян ҳаётига суиқасд уюштирган жиноятчилар устидан суд жараёни бошланди. Бош айбдор Тоғли Қорабоғнинг собиқ мудофаа вазири Самвел Бабаев деб гумон қилинмоқда.

◆ Кеча Умумхитой халқ вакиллари мажлисининг Ли Пан бошлиқ делегация аъзолари Владивостокка келди.

◆ Кеча Қирғизистоннинг Боткен вилоятига қарашли тоғ тепалиқларида жангарилар отряди ҳукумат армиясининг блок-постида ҳужум қилдилар. Бир неча соат давом этган жангда Қирғизистон томонидан йўқотишлар бўлмади.

◆ Бугун Қирғизистон Президенти Аскар Акаев навбатдаги сайловолди учрашувини ўтказиш учун Жаалободга келди.

◆ Мюнхенда 167-пиво фестивали очилди. 18 кун давом этадиган бу тантанода 6,5 миллион пиво ишқибозлари қатнашиши кўтилмоқда.

◆ Кеча Исроилда ёнлиги нархининг оширилишига қарши юк автомобиллари ҳайдовчилари иш ташлашди.

◆ Бугун Чилида мустақиллик эълон қилинган кун.

◆ Япониянинг «Ниппон телеграф энд телефон» корпорацияси фирмаси техниканинг навбатдаги мўъжизаси кўп соатига ўрнатилган радиотелефон яратди.

◆ Кеча Болгария пойтахти шаҳар байрамини нишонлади.

◆ Кеча Финляндия пойтахти — Хельсинкида Санкт-Петербург кунлари бошланди.

◆ Бугун Брюсселда Европа Иттифоқи мамлакатлари ташқи ишлари вазирларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

◆ Бугун Сеулда Шимолий ва Жанубий Корея ўртасида темирйул алоқаси тикланганлиги муносабати билан тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ ГАЛАБАЛАРИ

Иккинчи даврда анча муваффақиятли ўйнаётган тракторчилар эса ўз майдонларида «Темирйўли» жамоасини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратди.

Хуллас XXIX турдан сўнг «Пахтакор» турнир жадалининг саккизинчи, «Трактор» эса ўн икки поғонасини эгаллаб туришди.

Қолган учрашуларда куйидаги натижалар қайд этилди. «Андихон» — «Қизилқум» 1:1, «Нефчи» — «Буҳор» 4:1, «Сурхон» — «Зарафшон» 3:1, «Насаф» — «Самарқанд-Динамо» 2:0, «Металлург» — «Навбахор» 3:0, «Гулистон» — «Кимёгар» 2:1, «Сўғдиёна» — «Дўстлик» 1:8, «Турон» — «Семурғ» 3:0.

Навбатдаги XXX тур учрашувлари 20 сентябрда бўлиб ўтади.

Ўз мухбиримиз.

Президент Кубоги

КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

КЕЧА ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

Қайси спортчи давлат раҳбари қўлидан бош мукофотни олишдек шарафли воқеани оруз қилмайдиган дейсиз. Ана шунинг учун ҳам ўтган шанба кунги ўтказилган ярим финал учрашувлари жуда қизиқарли ва кескин дақиқаларга бой ҳолда ўтди.

Айниқса биринчи ярим финал учрашувини турнирнинг энг мурасасиз баҳси сифатида баҳолаш мумкин. Зеро, бу гал иккинчи ўйиндаёқ жаҳоннинг олтинчи ракеткаси Евгений Кафельниковни доғда қолдирган италиялик Давид Сангвинетти Франция вакили Жюльен Буттер билан беллашди. Ўйин тенг курашлар остида ўтгани, ҳар иккала спортчи ўз тўп оширишларини ютганлиги сабабли иккита сетда ҳам галаба тақдири тай-брейкларга боғлиқ бўлди. Бунда ҳал қилувчи дақиқаларда асабини хотиржам сақлай олган Сангвинетти 7/6 (5), 7/6 (4) ҳисобида галаба қозониб, финалга йўланма олди.

Иккинчи ўйинда эса турнир юдузи Марат Сафин ўтган йилги финалчи Жорж Бастл (Швейцария)

Теннис оламидаги улкан юдузларни ўзига жалб этиб «Юнусобод» теннис кортида бир ҳафта давомида катта теннис байрамига айланган Президент Кубоги еттинчи халқаро мусобақаларининг якуни ҳам жуда чиройли ўтди.



уни Бастл ҳам удалай олмасдан 6/2, 6/2 ҳисобида мағлубиятга учради.

КЕЧА

дастлаб кортта жуфтликлар ўртасидаги голибни аниқлаш учун Жастин Гимельстоб ва

ларда турли мусобақаларда саккиз марта галаба нашидасини тотган Гимельстоб ҳамда бу йил Лондон, Лос-Анжелес ва Лонг-Айленддаги мусобақалар финалига чиққан Хамфризлар унчалик қийинчиликсиз иккита сетда ўз рақиблари устидан 6/3, 6/2 ҳисобида устун келган ҳолда бош соврин соҳиблари бўлишди. Сўнг марказий кортта яқка тоифадаги финалда иштирок этиш учун Давид Сангвинетти ва Марат Сафинлар тушишди. Ушбу ўйинга ҳукумат аъзолари билан бирга давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ҳам ташриф буюрди.



билан беллашди. Узининг энг кучли спорт формасига тушиб бораётган Марат Сафинни тўхтайтиб қолиш жуда мушкул ва зифа эди. Шу сабабдан

Скотт Хамфриз (иккови АКШ вакили) ҳамда Жанубий Африка Республикаси теннисчилари бўлмиш Мариус Бернад ва Робби Кеннилар тушишди. Жуфтлик

Ўйинни Сангвинетти ўз тўп ошириши билан бошлаганлиги сабабли биринчи геймни ўз фойдасига ҳал қилди. Сўнг 2/1 ҳисобида олдинда борди. Биринчи сетда 3/3



қилди ва биринчи сетда 6/3 ҳисобида галаба қозонди.

Дарҳақиқат, шу кунги Сафиннинг шиддатини тўхтайтиб қоладиган куч йўқ эди. Натижада жуда қисқа муддат — 58 дақиқа давом этган баҳсла иккинчи сетда ҳам 6/4 ҳисобида устун келган Сафин бу йилги Президент Кубоги мусобақаларининг голиби бўлди.

қаторига қўшилишига улкан ҳисса қўшаётган Сассон Какушери ва унинг жамоаси, турнир директори, супервайзери, ҳакамлар, мусобақаларнинг юқори даражада ёритилишига ўз улушларини қўшган журналистларга алоҳида миннатдорчилик билдирди. Шунингдек, Президентимиз бутун Узбекистон халқини турнирда жаҳоннинг биринчи ракеткаси «ту-

дент Кубогининг бетакорор баҳслари бутун жаҳондаги спорт ишқибозларининг ёдида узоқ вақт сақланиб қолишига ишончимиз комил.

ДИЛМУРОД ИСМОИЛОВ.
СУРАТЛАРДА: Президент Кубоги финал баҳси ва голибларни тақдирлаш маросимидан лавжалар.

Тоҳир Нигматуллин олган сураатлар.

Сидней — 2000

БОКСЧИМИЗНИНГ ОЛИМПИДАДАГИ БИРИНЧИ ЗАФАРИ

Шаҳримизда теннис бўйича Президент Кубоги баҳслари айни авж паллага чиққан ўтган жума кунги ашиқ китъа ҳисобланмиш Австралиянинг Сидней шаҳрида асримиизнинг сўнги XXVII ғаги олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ха, барча мамлакатларнинг энг кучли спортчилари тўрт йил давомида пухта тайёргарлик кўрадиган, спорт мусобақаларининг юқори чўққиси ҳисобланмиш олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш, беллашуларнинг энг замонавий спорт иншоотларида жуда чиройли ўтиши учун доимо улкан тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Бу гал ҳам

олимпиада ўйинларининг очилиш маросими ишқибозларнинг ёдида узоқ вақт сақланиб қолиши шубҳасиз.

...Сиднейдаги 80 минг киши кетадиган олимпиада ўйингоҳига 110 минг томошабин, мутахассис ва мутасаддилар йиғилди. Ушбу тарихий воқеага қизиқарли жуда кучли бўлганлиги сабабли очилиш тантаналарига кириш чипталарининг нархи 1000 АКШ доллари даражасига чикди.

Австралия давлати мадҳияси янграганидан сўнг очилиш маросими бошланди. Стадионга йиғилганлар ва маросимни бевосита кўриш имкониятига эга бўлган ер кўрасининг барча мамлакатларида истиқомат қилувчи 3,5 миллиард киши

нигоҳи остида Австралия туб аҳолиси урф-одат ва маросимлари билан боғлиқ шоу, мангулик лавҳаси, олимпиада рамзини кўтарган чавандозларнинг чиройли чиқишлари ташкил этилди. Майдонда бир вақтинчи ўзида 22 минг ижрочи ўз санъатларини намойиш қилди. Майдонга 199 давлатнинг 10.200 нафар спортчиси чиқиб келганидан сўнг олимпиада қасамеҳди қилинди. Сўнг олимпиада ўйинларининг Ватани ҳисобланмиш Грециянинг Олимп тоғида ёқилган ва 99 кун давомида турли китъа, мамлакатлардан ўтиб келган сувда, шамолда ўчмайдиган махсус олимпиа машъаласи ёқилди. Махсус мушакболликлар ташкил этилди.

Шу кунги бокс, дзюдо, гимнастика,

огир атлетика бўйича мусобақалар бошланди. Шуниси қувонарлики, спортчиларимиз ўртасида биринчи бўлиб мусобақада иштирок этган боксчимиз Алишер Раҳимов ўз рақибини 17:1 ҳисобида енгган ҳолда галабага эришди. Бошқа спорт турларидаги иштирокчиларимиз ҳам беллашуларни бошлаб юборишди.


1 октябрга қадар давом этадиган олимпиада ўйинларида спортчилар 38 спорт тури бўйича жами 300 тўплам медаллар учун кураш олиб борадилар. Мусобақаларни 140 минг нафар оммавий ахборот воситалари вакиллари ёритмоқда.

ДАВРОН ИСАЕВ.

Мустақиллик йилларида фуқароларни ўз-ўзини бошқариш тузилмасининг энг муҳим бўғинларидан бири бўлган маҳаллалар фаоллигини янада жонлантириш борасида талай ишлар амалга оширилаётганлиги тахсинга сазовор. Шу боисдан пойтахтимиздаги кўпгина маҳаллалар янада обод ва кўркем бўлиб бормоқда. Ана шундай ибратли маҳаллалардан бири «Чигатой Октепаси» даги муҳим янгиланишу ислохотларни кўрган ҳар бир замонашумизда фахр-ифтихор туйғуси жўш уриши табиий. Мухбиримиз ушбу маҳаллада бўлиб у ерда бажарилаётган ишлар билан танишди ва маҳалла фуқаролари йигинининг раиси, жорий йилнинг «Шаҳарнинг энг намунали маҳалла оқсоқоли» мукофоти соҳиби Хайрулла Мўминов билан суҳбатлашди.

— Маҳалламиз ҳудуди 185 гектардан иборат бўлиб, унда 1160 оила, 690 та хонадондан 6612 нафар фуқаро

лиявий жиҳатдан анча бақувват бўлди. Демак, энди кўпгина муаммолар ечимини топади. Маҳалламизнинг ёрдамга



муҳтож 19 нафар фуқаросига «Карима» шифохонасида бепул тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Яқка-ёлғиз ногиронлар ва қариялар дам олишига мўлжалланган «Меҳр-мурувват» марказининг ташкил этилганлиги ҳам ижтимоий-ҳимоя соҳасига қаратилаётган эътиборнинг нати-

жасидир. Истиклол шарофати сабаб Юртбошимизнинг маҳаллаларни ривожлантириш борасидаги гамхўрликлари туйғайли юқорида эсланган муайян ютуқларни қўлга киритдик. Дарвоқе, ўз йилнинг ўзинг асра, деганларидек маҳалламизда профилатика нозирдан тортиб, маҳалла посбонларининг барчаси хавфсизликни таъминлаш учун самарали фаолият олиб боришяпти. Маҳалла гузари ва кўчаларида йўловчиларни назорат қилиш учун телекранлар ўрнатилган. Чунки маҳаллага ким келяпти, ким кетяпти деган саволга жавоб излагунча кўчадаги телекран яққол кўрсатиб қўя қолади. Бинобарин, мустақил мамлакатимиз халқи доимо барқарор, осуда яшаши учун асло хушёрликни қўлдан бермаслик лозим. Зеро, «Ватан ичра Ватан» бўлмиш маҳалла тинчлиги ва ободлиги — юрт тинчлиги ва ободлигидир.

Ақбар ЙўЛЧИЕВ ёзиб олди.

ИЗҚОР

ШУКРОНАЛИК

Ота-боболаримиз дуога қўл очиб «Тани сихатлик бўлсин» дейишлари бежиз эмас, албатта. Чунки инсон тани соғ, жисмонан бақувват бўлсагина ўйлаган орзу-ниятларига эришиши, ана шу эзгу ниятлар йўлида улугвор вазифаларга қўл уриши мумкин.

Аммо орамизда меҳрга, саховатга ташна кишилар ҳам истиқомат қиладиларки, уларнинг ҳолидан хабар олиш, кўнгилларини кўтариш зарур. Зеро, юртимизда азал-азалдан меҳрга ташна инсонларга кўмак бериб, улар оғирини енгил қилиш одатий ҳола айланган.

Умрзқони болалигидан танийман. Буни қарангки, камтарин, дилкаш бу йигит йигирма ёшдан ошди. Лекин тақдир Умрзқонни синовдан ўтказди шекилли, ёшлигида полиомиелит касаллигига чалиндию икки оёғи ишламай, тўшакка микланиб қолди.

— Ота-онам, жигарларим, қолаверса маҳалла оқсоқоллари, — дея ҳикоя қилди Умрзқон, — мени ёлғизлатиб қўйишгани йўқ. Яхши инсонлар доим ҳолимдан хабар олиб, моддий ва маънавий кўмак берадилар, кўнгилмини кўтардилар. Ҳайит байрамларида, Наврўз айё-

мида, ногиронлар кунда уйимиз меҳмонга тўлиб кетади. Маҳалладошларим, ёру биродарларим, қариндош-уруғлар мени кўргани келишади. Шу ўринда бир гапни айтмай. Кечагина маҳалладошлар оқсоқолимиз бошчилигида уйимизга келиб ҳолимдан хабар олишди. Менга бир дунё совғалар инъом этишди. Албатта гап совғада эмас, қадр-қимматда экан. Ҳа, Президентимизнинг мен каби меҳрга муҳтожларга кўрсатилган гамхўрлигининг аҳамиятини олди сўз билан ифодалаб бўлмайди.

Инсон қадри ҳар нарсадан устун. Бундан 13-14 йил аввал ногиронлар аравачасига зор, бир оғиз ширин сўзга муштоқ бўлганларимда бутунгидек саодатли онлар қачон келар экан, деб ўйлардим. Аллоҳга шукрки, истиқлол сабаб қадримни топдим, меҳр-муҳаббат, мурувват кўрдим. У ёғини сўрасангиз, ногиронлар аравачасига ҳам эга бўлдим. Ҳозир шу аравача ёрдамида кўчаларда сайр қилганимда қалбим фахрга тўлади. Шундай доно Юртбоши, ажойиб халқим, қалби меҳрга тўла маҳалладошларим борлигига шукрона айтаман. Ҳа, айтишлар, мен бахтиёрман. Жаннатмақон юртимда яхши инсонлар билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб яшаётган эканман, ҳеч қачон меҳр танқислигини сезмайман. Шунинг учун мени кўнгли ярим деманг, одамлар!

Аҳмад ЙўЛДОШЕВ.



Кенг ва раён кўчалар пойтахтимиз хуснига хуси кўшади. Сергей Любич олган сурат.

Ёдингизда бўлса, азиз ҳамшаҳар, бундан 2-3 йил муқаддам сариқ касаллиги билан оғриганлар сони кўпчиликини ташкил этганди. Ёки айрим газетлар ташвиш билан хабар берганидек, кейинги пайтларда эхиноккоз ва бошқа хасталикларга чалинаётганларнинг орамизда учраётгани, айрим ҳолларда фуқароларнинг шу касалликлар туйғайли бир умр майиб-мажруҳ бўлиб қолаётганларига сабаб нима?

Юнособод туманида истиқомат қилганим боис бундан икки йил бурун маҳаллалардаги экологик ҳолат қандай эканлиги ёдимга тушди. Дарҳақиқат, туман ҳудудидаги кўчалар, хонадонлар атрофида бир пайтлар ахлат чиқиндилари уюлиб ётар, айниқса ҳар икки хонадоннинг кўчаларида қуриш материаллари, гишти, тахтаи ёки шағал, кум тўпланиб кўча хуснини бўзиб турарди. Бу ҳолга аҳолининг аксарияти кўнгиб кетган экани, ҳеч ким кўчасини тартибга келтириши ўйлаб ҳам кўрмасди. Лекин туман мутасаддиларининг саъй-ҳаракати билан ҳар бир кўчадаги ортиқча қуриш материаллари уйлارга киритилди, кўчалар тозаланиб бирунча ораста ҳолга келтирилди. Натижада аҳолининг


Мулоҳаза
ОЗОДАЛИККА
ҲАММАМИЗ
МАСЪУЛМИЗ

кўпчилиги ҳам «Кўчаларимиз бўғилиб ётган экан, энди чирой очди-я», дейишди. Кўпчилик экология муаммоси деганда фақат Орол денгизи фожиясини тушунади. Экологияни яхшилаш фақатгина Табиати муҳофаза қилиш қўмитасининг иши деб қаралади. Бу нотўғри фикр. Сўзимизни исботлашга ҳаракат қиламиз. Айтилик, «Пахтакор» стадионига футбол ўйинини томоша қилгани борган одам галати манзаранинг гувоҳи бўлади. Чунки стадион маъмурияти ўйингоҳга турли хил буюмлар, айниқса шиша идишлар билан киришни тақиқлаб қўйганига қарамай, айрим футбол ишқибозлари кўзни шамғалат қилиб елим идишдаги ҳар хил ичимликларни олиб кириб кетадилар. Уйин тамом бўлганидан сўнг ўриндиқлар ва ён-атрофга қараб бўлмайди. Стадионни қайта тозалайдиган ходимлар меҳнатига ачинасан киши. Наҳора, фаррош меҳнатининг қадрига кўнгилик етавермайди. Бундан ташқари ҳамон ахён-ахёнда бўлса-да айрим маҳаллаларимиз ҳудудларида ва кўчаларида ахлатлар уюми

тўпланиб ётганига кўзингиз тушади. Айрим фуқаролар ахлатларни мақсус қўтига солмай ён-атрофга тўкиб кетишади. Натижада атрофга бадбўй хид таралиб ҳавони ифлослантиради. Кўпчилик ҳолларда айрим фуқаролар ерга тўкилган хазон уюмларини тўплаб кўчаларнинг ўртада ёки юборадилар ва гўёки бу ишлари билан кўпайиб қолган ахлат, хазон уюмидан бирийўла қутулиб, кўчани ораста ҳолга келтирмоқчи бўладилар. Аслида эса хазон ёки ўзлари ҳамда ўзгалар соғлигига жиддий зарар етказяётганларини сезмайдилар чоғи. Сабаби тиббиёт мутахасссларининг таъкидлашларича, хазон уюмин тўплаб ёкиш натижада ундан таралаётган тутун ва захарли ҳаво саломатликка жиддий зарар етказар экан. Шу ўринда бир мулоҳазани айтишни лозим топдик. Кўпчилик ахлат қўтиларда елим идишлар, шишалар, консерва банкаларни учратамиз. Шунда беихтиёр кераксиз буюм ва чиқиндилардан қайта маҳсулот тайёрлаш технологияси қачон ишга тушар экан, деб ўйлаб қоламиз. Бу

иш соаноатимизга ҳам, қолаверса тозаланиш сақлаш бўйича қилинаётган тадбирларга ҳам катта фойда бўлади. Хориж сафарига юмуш билан бориб келаётган танишлар Европа мамлакатларини, айниқса, Франция ва Германияни мақташади. Бу давлатлардаги қўлайликлар, озодагарчиликка риоя қилиш борасидаги ютуқлар хавас қилса арзигулик даражада экан. Табиий савол туғилади: бизнинг юртимизда қандай? Оллоҳга минг қатла шукрки, яқиндагина хур диёримиз мустақиллигининг тўққиз йиллик айёмини шоду хуррамлик билан нишонладик. Шу йиллар ичида тараққиёт ривожининг ҳар бир соҳасида амалга оширилган ва бажарилиши лозим бўлган ютуқларимизни, келгуси вазифаларимизни яна бир бор сарҳисоб қилдик. Дарҳақиқат, ўтиш даврининг айрим мураккабликларига қарамай юртимизда бунёдкорлик ишлари жадал кетяпти. Айниқса, Тошкентимиз янада кўркемлашиб, гўзаллашиб бормоқда. Аммо биз фуқаролар кўпчилигимиз ҳамон эскича

фикрлашдан чарчамаймиз. Оддий мисол. Бекатда автобус қўтиб турибсиз дейлик. Ён-атрофингизга бир назар ташланг. Яқиндагина фаррош сулуруби-сидириб ҳаммаёқни ораста қилиб қўйган эди. Лекин сиз ёки бошқаси сизга сизга чекади, pista чекади, сақич чайнаб қозонини ерга ташлайди. Бошқаси конфет ё музаймоқ ёйди-ю, пўнғини ахлат қўтига солиш эсидан чиқиб қолади. Энди ўзингиз инсоф билан айтингчи, ҳамшаҳар, бу ахлоқга ҳам фақат табиати муҳофаза қилувчи қўмита айбдорми ёки ўзимизми? Ота-боболаримиз билан озодалликка катта эътибор беришган. Ҳатто аждодларимиз «Сўвга тўғланманлар, чунки сув об-ҳаёт, ифлосламасин», дея таъкидлаб ўтишгани бежиз эмас. Хулоса қилиб айтганда бўлса, агар тозаланиш, атроф-муҳит орасталлигига аввало ўзимиз катта эътибор берсак, маҳалла оқсоқоллари, фаоллари бу ишларни назорат қилиб боришса айти мудоао бўлади. Президентимизнинг «Санитария конуниларини бузганлик учун жавобгарликни қўнғитириш тўғрисида»ги Фармони ни нафақат шу ишга мутасадди ташкилотлар, балки ҳаммамиз оғишмай бажаришимиз лозим. Ақбар ЙўЛДОШЕВ.



Суратках мухбиримиз Сергей Любич тасвирга туширган суратларда шахримизда бунёд этилаётган замонавий бинолардан бири ва шу бино қурилишида гайрат кўрсатган сувоқчи Баҳодир Холиқов акс эттирилган.

«Оқном»нинг ҳуқуқий маслаҳатхонаси
СЎРАНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: Иккинчи гуруҳ ногирониман, лекин хусусий фирмага ишга кирганим. Аммо ойллик маош ва нафақам икки ойдан кейингина берилди. Шу тўғриси? Жуда бўлмаганда нафақамни иш жойидан вақтида олишим мумкинми?

ЖАВОБ: Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 154-моддасига асосан иш берувчи ўзининг молиявий ҳолатидан қатъи назар, ходимга бажарган иш учун ҳақни белгиланган меҳнат ҳақи шартларига мувофиқ жамоа шартномаларида кўрсатилган муддатларда тўлаши шарт. Сиз ўз вақтида ҳам ойллик маошингизни, ҳам нафақангизни олишга ҳақлисиз.

САВОЛ: Ёшлигимизда онамиз вафот этганлари-

дан сўнг отамиз бир аёлга уйландилар. 4 хонали уйимиз бор. Отам уйнинг 2 хонасини васитнома асосида ўғай онамиз номига ўтказиб бердилар. Шу қонунга тўғри келадими?

ЖАВОБ: Фуқаролик Кодексининг 1120-моддасига кўра фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасаруф этиш ҳусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади. Шу боис ҳам отангиз мерос қолдирувчи ҳисобланиб, ўзига тегишли бўлган мулкни хоҳлаган фуқарога ёки давлатга, ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин. Шу сабабли отангиз ўз ҳуқуқидан тўғри фойдаланган.

Ойбек ИСОҚОВ, ҳуқуқшунос.

Кейинги пайтларда жаҳонда автомобилсозлик жадаллик бўлган ривожланишмоқда. Энг қучли автомобилсозлик компаниялари ўртасида жуда кескин рақобат кетмоқда.

Янги ҳар бир компания янги ишлаб чиқаряётган ҳамда XXI асрга мўлжалланган русумларда ҳайдовчи учун иложи борича кўпроқ қўлайликлар яратиб, автомобилда унинг хавфсизлигини таъминлаш, автомобилнинг таққи ва ички қўрилиши, барча тоифа ҳайдовчиларига табиий ёқини, уларнинг замонавий талабини қондириши ҳамда автомобилнинг ҳажми, қўрилиши кичик, кўпроқ йўловчи сизадиган, двигателъ тежамкор ишлайдиган, тез юрадиган, хуллас инсоннинг барча талаб ва истакларини амалда бажариш устида тинмай изчил изланишлар олиб бормоқда. Шунга айтиш керакки, айрим фирма ва компаниялар XXI аср автомобиллидаги нобъ янгиликларни, сирларини ҳам очиб намойиш этмоқдалар. Бу билан улар ўзларида битмас янгилик салоҳияти борлигини кўрсатиб, рақобатчини ўйлатиб қўймоқдалар. Келажак автомобиллари концепт-карларда (XXI аср автомобилли концепт-кар номи билан юритилади) албатта электрон мия барча механизмларни бошқариб, энг тежамкор вариантда ишлаб, ҳайдовчини барча носозликлардан ўз вақтида анжомлар орқали хабардор қилиб туради. Бу эса ҳайдовчига энг кўп қўлай шароит яратиб, уни жисмонан чарчатайди. Келажак автомобилли двигателларида албатта кўп клапанли двигателъ блоклари, ёнлигини босим остида пуркаш тизими, электрон бошқарув, қисмларнинг енгил материаллар ҳамда янги металл — керамика материаллардан фойдаланиш орқали тайёрлаш кўзда тутилади. Келажак концепт-карларини яратишда Япониядан кейин Франция, Германия, АКШ фирмалари ҳозирча олдинда бормоқдалар. XXI аср концепт-карлари билан яқиндан танишамиз. Албатта биз янгиликларни Япониядан бошламоқчимиз.

Япониянинг машҳур «Мазда» фирмаси жаҳонда ягона ҳолда автомобилларга роторли двигателлар ўрнатмоқда. Роторли двигателлар ҳозирги мавжуд двигателларга қараганда 20 фоиз кўп ёнлигини тежайди, оғирлиги ҳам 100 от кучи берадиган двигателдан 30 фоиз енгил. «Исудзу» фирмаси янги, жуда ҳам чиройли спорт автомобилли — COA-111ни намойиш қилди. Ҳажми 1,6 литр, 300 от кучига эга бўлган 4 цилиндрли двигателъ блоқи металл-керамикадан ясалган.

40 фоиз ёнлигини тежайди ва двигателъ ҳеч қандай ортиқча куч ишлатмайди. «Форд»нинг «Аэростар-Гиа» моделида замонавий барча техникавий янгиликлар ишлатилган десак хато қилмаймиз. Бу автомобилда барча юмушлар 100 фоиз автоматлаштирилган. Яқинда Париждаги автомобилли кўргазмасида Франциянинг «Рено» фирмаси ишлаб чиқарган «Рено меген» модели ҳам намойиш қилинди. У ЭХМ билан таъминланган, эшикларини икки томонга сурилай оқилади. Германиянинг «Фольксваген» фирмаси «Фольксваген-футур» моделида пар ёрдамида двигателъ сувутилиб, двигателдаги сувуқлик насоси ва вентилятор йўқ. Барча ишларни ЭХМ бошқаради. Дегройтда (АКШ) бўлган автошоу кўргазмасида Германиянинг «Мерседес» фирмасининг «Мерседес» F 100» модели намойиш қилинди. Автомобиль салонида иккита ҳайдовчи олдинда ўтиради, орқадки ўриндиқларда иккитадан бўлиб, яна 4 та йўловчи ўтиради. Автомобилга водород билан ишлайдиган двигателъ ўрнатилган бўлиб, барча ишлар, механизмлар, навигация тизимини ЭХМ бошқаради. Германиянинг «Ауди» фирмаси ҳам янги енгил автомобиль модели ишлаб чиқди. Бу автомобилнинг олдинги гилдиракларини сувоқ ёнлиги билан ишлайдиган двигателъ ҳаракатга келтирса, орқа гилдиракларини эса аккумуляторлар хисобига ишлайдиган электр двигателъ ҳаракатга келтиради. Янги автомобилли олдига оддий серияли дви-

гатель ўрнатиб, ундан шаҳардан ташқарида юригандида фойдаланилади. Электр двигателъ эса шаҳарда юригандида ишлатилади. Шунингизки, автомобиль асосий двигателъ ҳаракат қилганда у доимо орқа гилдиракни юригувчи аккумуляторни ток билан зарядлаб боради. Айрим автомобиль фирмалари янги иختиरोларини эшикни очиб учун ҳам ишлатмоқдалар. «Тойота»нинг «FXV-11» моделидаги эшиклар қалит билан очилади, фақат ҳайдовчининг шахсий коди ёзилган пластикка ёрдамида очилади. Айрим фирмалар эшикларга сенсор русумидаги электрон қулфлар ўрнатмоқдалар («Тойота», «Ниссан»). Бунда ҳайдовчининг бармоғи дактилоскопик анализ қилинганда электрон қулф ҳеч қачон очилмайди. «Тойота»нинг айрим моделларида компьютер ўрнатилган бўлиб, ҳайдовчининг дастурига қараб автомобиль ичи автоматлаштирилади, ойналар тозаланиб, ҳўлланиб, ҳайдовчи ўтиради автомобиль юриб кетади. Айримларида автомобиль гилдиракларига юрган-

КЕЛАЖАК АВТОМОБИЛЛАРИ
ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

физ енгил ҳам тежамкор. «Ниссан» СМЕ-Х ва «Мицубиси» НСР каби жуда ҳам тез юрадиган автомобилларнинг барча иш жараёнларини эса ЭХМ бошқаради. Бу моделларда автомобиль тизлигига қараб, автомобиль аэродинамикаси автоматик ўзгариб, барча носозликлар руль ўқига ўрнатилган дисплейда кўриниб туради. Агар хавфли ҳолат вужудга келиб қолса, автомобиль ўзи автоматик тормоз бериб, тўхтайдди. «Ниссан» СМЕ-Х, «Мицубиси» МР-90 Х ва «Тойота» FXV-11 моделларида ўрнатилган навигация асбоблари ва уларнинг жуда содда ишлаши ҳамда барча носозликларнинг ЭХМ дисплейда кўриниб туриши барчани ўйлантириб қўйди. Бу моделлардаги ойналар ёруғликка қараб, ўз рангларини автоматик тарзда ўзгарттирилади. Янги кўйили пайта қорароқ, кечқурун ва кечаси ёруғроқ, тиниқ бўладилар. Яна бир японларга хос янгилик, бу «Мицубиси» фирмасининг МР-90 Х моделида ўрнатилган компьютер автомобилли кувозининг рангини ҳавога, шароитга қараб ўзгарттиради. Ҳозирги даврда келажакда ҳам барча ёнлигини тежаш устида тинмай изланишлар олиб бормоқдалар. Келажак «Тойота» AXV моделига ҳажми 1100 куб сантиметр ўрнатилган двигателъ 100 километр масофага 2,5 литр ёнлиги, Франциянинг «Рено-Веста-2» моделидаги ҳажми 716 смЗли двигателъ 100 километрга 1,94 литр ёнлиги сарфлайди. «Мицубиси»нинг ҳажми 2,0 литрли янги иختиро қилган двигателъ 100 километрга атиги 2 литр ёни-

да автоматик дам берадиган мосламалари ҳам бор. Хуллас, автомобилли ҳар қандай носозлигини дисплейда кўриб турасиз. Юқорида кўрсатилган барча моделлар асосан бир нусxada ишлаб чиқарилади. Ҳайдовчининг талаб ва истакларини фирмаларнинг максус бўлимлари йиғиб, жамлаб, таҳлил қилиб, кейин ўз ишлаб чиқаришларида жорий қиладилар. Чунки автомобильсозликда асосий мақсад, харидорнинг барча талабларини амалга ошириш, унга катта қўлайликлар яратиб, доимо хурсанд қилиш билан бирга, келажакда у фақат шу фирма автомобиллини сотиб олишга доимо интилиб, янги моделларни кутсин. Жаҳон автомобилсозларининг XXI асрга ўтиш жараёнидаги асосий максадлари: янги ҳам автомобиллининг қўрилиши ёнлигимиз, кичик, чиройли бўлиши, кичик, кичик, чиройли бўлиши, чага маъқул, ҳайдовчи билан табиий шароитлар яратиб, иложи борича кам от кучи қувватида двигателлардан фойдаланиш, двигателни кўп вақт таъмирламасдан ишлатиш, тизлиги етарли, энг муҳими, ёнлигини тежамкорлик билан сарф қилиши асосий кўрсаткичлардир. Ҳар қандай харидор ҳам келажакда сотиб олган автомобиллидан хурсанд бўлиб яна шундай моделларнинг янгилирини сотиб олишга интилинсин. Бу ишлар барча замонавий автомобилсозларнинг асосий режа ва максадларидир.

Илком ШЕРМУХАМЕДОВ ва Дилшод ИСРОИЛОВлар тайёрлашди.



Дид билан кийиниш аёлларимизга хос фазилат.



Кейинги вақтда айрим хорижий оммавий ахборот воситаларида мамлакатимизда рўмол ўраб юрган ёш аёллар гўё тазийк остига олиниб, уларнинг эътиқоди, ҳақ-ҳуқуқи поймол этилаётгани ҳақидаги миш-мишлар тарқатилмоқда. Эмишки, мактабларда, олий ва ўрта таълим муассасаларида ўзбек миллатига мансуб ўқувчи ва талаба қизларнинг рўмол ўраб юриши тақиқланганмиш.

Хўш, бу гаплар қанчалик ҳақиқатга экин?
Саволимизга Ўзбекистон Дин ишлари бўйича кўмита раиси Фозил қори СОБИРОВ шундай жавоб берди:

— Аввало таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий мажмуи ва Хотин-қизлар кўмитасининг яқинда бўлиб ўтган қўшма йиғилишида мазкур масала атрофида муҳокама этилди. Унда миллий либосларимиз ва кийиниш маданияти ҳақида, мактабларда, ўқув муассасаларида қизларнинг кийим-кечагага ўзбекона тус бериш, миллатимизга хос бўлмаган турли кўринишдаги либосларни кийишга берилиб кетишининг олдини олиш тўғрисида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шуни айтиш керакки, истиқлол шарофати билан неча минг йиллик маънавий қадриятларимиз тикланиб, турмушимизга тобора чуқурроқ сингиб бормоқда. Миллатнинг юксак камолотига эришишда Оллоҳ берган бехисоб неъматлар қаторида инсон ҳусни, одоби, маданияти, маънавияти янада бойимокда.

Аёлларнинг кийиниши, жумладан рўмол ўраши масаласига келсак, айрим жойларда бу борада кўпчилик рўмол билан ҳижобни бир-биридан фарқлай олмаётганлар. Хўш, ҳижоб нима-ю рўмол нима? Аслида «ҳижоб» араб тилида ҳам, Қуръонда ҳам рўмол маъносини билдиради, тўқма маъносини келтирмайди. Бизда рўмол ўраш — хотин-қизларимизнинг азал-азали одати, у ўзбек аёлининг ибоси, ҳаёси, ифрати рамзидир.

Турон замин аёллари азал-азалдан эрк, оқ кизил, гуллик рўмоллар ўраб келган. Эркаклар дўпписи каби ҳар бир минтақа, вилоят, туман ва овулнинг хотин-қизлари ўзига хос рўмол ўрайди. Масалан, Фарғона вилояти аёллари оқ, Сурхондарё, Қашқадарь, Жиззах вилоятлари аёллари қизил, Самарқанд ва Бухоро аёллари орасида эса оқ ёки гуллик рўмол ўраш урф бўлган.

Исломдан аввалги ҳожилят даврида аниқ бир одоб-ахлоқ мезони бўлмаган. Шу боис, кийиниш борасида озод аёл билан чўрининг фарқи сезилмаган. Аслида аёллар ўзларини, тақинчоқларини кўз-кўз қилиш учун кўкракларини ва елкаларини очиб юришган. Ислом дини пайдо бўлганидан сўнг бундай ҳолатга чек қўйиш учун Оллоҳ таоло: «Эй пайгамбар, жуфтларингизга, қизларингизга ва мўминларнинг аёлларига айтинг, устиларига ёпинчиқларини ўрасинлар!» Мана шу уларнинг (чўри эмас, озод аёл эҳанликлари) та-

Айрим аёлларнинг «ҳижоб»ни диний либос, диний урф-одат, диний эътиқод рамзи сифатида кийиб, бошқаларга ҳам кўз-кўз қилиши мантқиққа тўғри келмайди. Дид билан кийиниш — юксак маданият белгиси. Бунда, албатта, одамнинг ички дунёси, фикр ва дунёқарши, бошқаларга муносабати зоҳир бўлади. Шунинг учун ҳам ҳар бир миллатнинг, халқнинг ўзига хос ва мос кийиниш одоби бор. Халқда «Ораста кийинмоқ ҳам одобдандир», деган нақл бежиз айтилмаган. Бу борада хотин-қизларимиз эътиборлироқ бўлишлари лозим. Кийинишда ҳам ана шу ақидага амал қилинса, фойдадан холи бўлмайди.

Диний эътиқоддан келиб чиққан ҳолда ҳам кийинишнинг ўзига яраша йўл-йўриқлари, тартиби ва одоби бор. Амалдаги қонунларимизда бу борада муайян аниқликлар киритилган ва диндорларнинг, диний идора ходимларининг қаерда, қай ҳолатда қандай кийиниши кўрсатиб берилган. Мактабларда, олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида, жамоат жойларида диний либосда, хусусан «ҳижоб» деб қаралаётган миллатимизга хос бўлмаган, ажнабий кийимларда юриш мақбул эмас. Чунки бу бошқаларнинг диний

қарашлари тўғрисидаги фикрини чалғитиб, ғашига тегиши аниқ.

— Бинобарин, мамлакатимизда кўча-кўй, ўқув муассасалари, жамоат жойларида «ҳижоб»да юриш ман этилган. Зеро, айрим диний оқимлар иймон-эътиқоди, дунёқарши шаклланиб улгурмаган ёшларимиз онгини шу йўл билан ҳам чалғитишга уринмоқда. «Эркинлик» деб кўнглига келганини қилвериши одобдан деб бўлмайди.

Афсуски, айрим жойларда «ҳижоб» билан рўмолнинг фарқи бормаётган мутақаддилар ҳам учраб турибди. Улар ўзбек миллатига мансуб ўқувчи ва талаба қизларнинг рўмолсиз юришини талаб қилиб, библи-билмай, тирноқ ичидан кир қидирадиган хориждаги гоёвий душманларимизнинг тегиримонига сув қуймоқда. Такор айтаман, рўмол миллий либосларимиз сирасидан бўлиб, ахлоқий-меъёрий ҳужжатларимизда уни ўраб юришни тақиқлаш ва ёки ман этиш кўзда тутилмаган.

Сувхатдош: **Ўктам ДҮСТЕР, УзА муҳбири.**

қилиш кўзда тутилган. Бизнинг миллий кийимларимиз азалдан Имом Аъзам рози-яллаху анҳу маънабларига мос келган бўлиб, ислом дини талабларига тўлиқ жавоб берган. Демак, кийимларимиз исломдан аввал ҳам шундай бўлиб келган.

Шунингдек, Нур сурасининг 31-оятда рўмолни юзни очиб ўрашга ишора қилинган. Бу борада Ойша онамиздан ҳам бир ҳадис ривоят қилинган. Абу Бакр Сиддиқнинг қизлари Асмо жаноб Расулуллоҳ салла-лаҳу алайҳи вассаломнинг хузурлигига кир-ганларида у киши шундай деганлар: «Эй Асмо аёллар балоғат ёшига етганларида фақатгина шу жойлари очиб бўлишлари лозим, дедилар. Ва ўз юзлари ва кўлларига ишора этидлар». Демак, юзи ҳам, кўл ҳам очиб бў-лиши мумкин.

Аммо кўпчилик араб мамлакатларидаги каби қора либосга ўраниб, юзни беркитиб юриш, яъни «ҳижоб»га кириш ёки, аксинча, миллий қадриятларимизга зид равишда ярим яланғоч ҳолатда юриш бизнинг мил-латимиз аёлларига ётдир. Одатда, асосан Ара-бистон, Эрон, Покистон хотин-нажаллари ҳижобда юрадилар. Нимага десангиз, у ер-ларнинг об-ҳавоси шуни такозо этади. Чун-ки бу мамлакатларда бўлиб турадиган чан-г'тўзон, қум кўчишлари, иссиқ гармселлар аёл-лар у ёқда турсин, ҳатто эркакларни ҳам юзни беркитиб юришга мажбур этган. Шу маъно-да, айтиш мумкинки, «ҳижоб» диний либос, диний эътиқод рамзи бўла олмайди.

қарашлари тўғрисидаги фикрини чалғитиб, ғашига тегиши аниқ.

— Бинобарин, мамлакатимизда кўча-кўй, ўқув муассасалари, жамоат жойларида «ҳижоб»да юриш ман этилган. Зеро, айрим диний оқимлар иймон-эътиқоди, дунёқарши шаклланиб улгурмаган ёшларимиз онгини шу йўл билан ҳам чалғитишга уринмоқда. «Эркинлик» деб кўнглига келганини қилвериши одобдан деб бўлмайди.

Афсуски, айрим жойларда «ҳижоб» билан рўмолнинг фарқи бормаётган мутақаддилар ҳам учраб турибди. Улар ўзбек миллатига мансуб ўқувчи ва талаба қизларнинг рўмолсиз юришини талаб қилиб, библи-билмай, тирноқ ичидан кир қидирадиган хориждаги гоёвий душманларимизнинг тегиримонига сув қуймоқда. Такор айтаман, рўмол миллий либосларимиз сирасидан бўлиб, ахлоқий-меъёрий ҳужжатларимизда уни ўраб юришни тақиқлаш ва ёки ман этиш кўзда тутилмаган.

Сувхатдош: **Ўктам ДҮСТЕР, УзА муҳбири.**

«ОЙНА» МАХОУНДА

ПАЙШАНБА, 21

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».
- 8.35 ТВ-маркет.
- 8.40 Марказий газеталар шарҳи.
- 8.55 «Мироз» кўшиқлари. Муси-кий дастур.
- 9.20 ТВ-метео.
- 9.30 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Наҳшлар бўстон».
- 9.45 «Мен туғилган тўрқоқ».
- 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янги-ликлар.
- 10.25 Кундузи санас: «Шафқатли ришар Айвонго ҳақида кисса». Ба-дий фильм.
- 12.05 «Кел, дўстлашайлик». Муль-тфильм.
- 12.15 «Шокирлар — болаларга».
- 12.40 ТВ-анонс.
- 12.45 «Муҳаббат соғинчи». Муси-кий дастур.
- 13.15 А. Қаҳор. «Ҳажвий ҳижоя-лар».
- 13.55 ТВ-клип.
- 14.10 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Гузалик оламида».
- 14.20 «Болалар дунёси».
- 14.25 «Соғинсан баланд дорға осил» Бадий фильм. 2-қисм.
- 16.25 ТВ-анонс.
- 16.40 «Ақабанда».
- 16.40 Юрт ҳақида кўшиқ. Публич-стик кўрсатув.
- 17.00 ТВ-клип.
- 17.05 «Наво таралиш». Мусикий да-стур.
- 17.30 «Инок малика». Мультифильм.
- 17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
- 17.55 «Ақабанда».
- 18.10 Болалар учун. «Кўзминчоқ».
- 18.30 «Сихат-саломатлик».
- 18.45 «Барҳаёт сиймолар». К. От-ринов.
- 19.00 «Хидоят сари».
- 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.40 Эълонлар.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 20.00 Оқшом эрталари.
- 20.15 Тўқма оламида.
- 20.30 «Ахборот».
- 21.05 «Санъатим — саодатим». Ўзе-бекистонда хизмат кўрсатган артист Р. Қилов.
- 21.35 «Зиё» студияси намойиш эти-ди: «Эътиқод мустақамлиги айти-ди».
- 22.15 XXVII Ёзги Олимпиада уйин-ларида.
- 22.30 «Отлар чойнаси». Муси-кий-дам олиш дастури.
- 23.30 «Ахборот».
- 00.05 «Галатеялик авлиё». Қисқа метражли бадий фильм.
- 00.30-00.35 «Ватан тимсоллари».

ЖУМА, 22

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».
- 8.35 ТВ-маркет.
- 8.40 Марказий газеталар шарҳи.
- 8.55 «Мироз» кўшиқлари. Муси-кий дастур.
- 9.20 ТВ-метео.
- 9.30 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Сўз ва чинни буюмлар».
- 9.45 «Меҳрибон».
- 10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янги-ликлар.
- 10.05 Кундузи санас: «Петербург-лик чиновник». Бадий фильм.
- 10.35 Болалар учун. «Болалигим — пайсаллигим».
- 11.55 ТВ-анонс.
- 12.05 «Сомон йўли».
- 12.25 «Серийдақаб қарга». Муль-тфильм.
- 12.35 ТВ-клип.
- 12.40 «Спорт, спорт, спорт». Теле-шарҳ.
- 13.10 «Устоз».
- 13.30 «Калбага яқин кўшиқлар». Муси-кий дастур.
- 14.10 Болалар учун. «Нурли кел-аж».
- 14.30 «Ох афсонаси». Бадий фи-льм.
- 16.05 ТВ-клип.
- 16.10 «Сарғайган саҳифалар». Ада-бий фильм.
- 16.30 II Халқаро симфоник мусика фестивалининг очилиши.
- 17.30 «Раҳибнингиз — грассмей-стер».
- 17.40 «Тўртинчи ҳожиатим».
- 17.55 ТВ-маркет.
- 18.10 Болалар учун. «Хизматлар ха-зинаси».
- 18.30 «Битик».
- 18.35 «Истеъод». Мусикий дастур.
- 19.05 «Иккинчи».
- 19.25, 19.55, 20.25, 21.00, Эълон-лар.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 20.00 Оқшом эрталари.
- 20.15 Тўқма оламида.
- 20.30 «Ахборот».
- 21.05 «Санъатим — саодатим». Ўзе-бекистонда хизмат кўрсатган артист Р. Қилов.
- 21.35 «Зиё» студияси намойиш эти-ди: «Эътиқод мустақамлиги айти-ди».
- 22.15 XXVII Ёзги Олимпиада уйин-ларида.
- 22.30 «Отлар чойнаси». Муси-кий-дам олиш дастури.
- 23.30 «Ахборот».
- 00.05 «Галатеялик авлиё». Қисқа метражли бадий фильм.
- 00.30-00.35 «Ватан тимсоллари».

ШАНБА, 23

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

- 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» 8.00-8.35 «Ахборот».
- 8.35 Марказий газеталар шарҳи.
- 8.55 «Мироз» кўшиқлари. Муси-кий дастур.
- 9.15 «Хидоят сари».
- 9.20 ТВ-метео.
- 9.30 «Ўзбектеlevision» намойиши: «Ушмо».
- 9.50 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
- 10.10 «Харидор симфоник муси-ка фестивали».
- 10.25 «Мен нечун севаман Ўзе-бекистон». Публичстик кўрсатув.
- 11.00 Кундузи санас: «Етти умид қамалди». Бадий фильм.
- 12.15 Футбол. XX асрнинг сўнги жаҳон чемпионати. Эрон — АҚШ.
- 13.55 «Хиши қайғит». Мусикий дастур.
- 14.25 «Кичинтой устаконаси».
- 14.30 «Дўстлик».
- 14.45 «Дўстлик».
- 14.55 «Дўстлик».
- 15.05 ТВ-метео.
- 15.15 «Сўзчи ва замон».
- 15.35 «Маънавий». Бадий фильм.
- 17.30 «Нотаниш дил сўбат».
- 17.50 «Харидор симфоник муси-ка фестивали» кўшиқлари.
- 18.25 «Ақабанда».
- 18.30 «Миттвиолар оиласи». Ки-ноқўрсатув.
- 18.45 «Ақабанда».
- 18.50 «Эстрада тароналари».
- 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълон-лар.
- 19.30 «Ахборот» (рус тилида).
- 20.00 Оқшом эрталари.
- 20.15 Тўқма оламида.
- 20.30 «Ахборот».
- 21.05 «Санъатим — саодатим». Ўзе-бекистонда хизмат кўрсатган артист Р. Қилов.
- 21.35 «Зиё» студияси намойиш эти-ди: «Эътиқод мустақамлиги айти-ди».
- 22.15 XXVII Ёзги Олимпиада уйин-ларида.
- 22.30 «Отлар чойнаси». Муси-кий-дам олиш дастури.
- 23.30 «Ахборот».
- 00.05 «Галатеялик авлиё». Қисқа метражли бадий фильм.
- 00.30-00.35 «Ватан тимсоллари».

Қатра

БОҒБОН ҚАЛБИ

Кўча эшиги тақиллади. Райим ич-қаридан унинг бир табақасини оч-ган эди, қаршисида ранги тоза, қиз-гич, соддагина боғбон йигит кўча-тини ушлаганча қулимсираб турар-ди.

— Айтганингизни толиб келдим. Ўрик-нинг яхши хилидан, — деди у. — Илоҳи бўлса илдиқларига ёлшиган намхуш туп-роқ билан тезроқ экиб қўйсангиз.

Боғбон айтандек экилган ўрик ил-диқлари ётсирмай тупроққа илашди. Ўсиб буй чўзди. Кераксиз тиканли шо-лар буталмай йилларни ўтказди. Со-хибининг меҳр қўлини тутмаганидан диққинафос бўлиб кетди у. Бир кун Райим дорахтни кўрса, ҳамон ҳосил-сиз. Танасида кўпоб бигиздек-бигиз-дек тиканлар.

Ҳосилни қачон кўраман? Боғбон довдир эканми, ўрик ўрнига тиканли дорахтни келтириб берди, дейман. Қани энди Райим тиканларнинг ўк-ташидан аслида ўрикми, йўл-йўриқ, оқибат кўрмай жол билан ёввойилаш-дик демоқчилигини сезса.

Фани АБДУЛЛАЕВ.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ИЧИМЛИК СУВИ БОСИМИНИНГ ПАСАЙИШИ ҲАҚИДА

Қатта ҳажмли сув ўтказгич тармоқларида таъмирлаш ишлари олиб борилиши, шу-нингдек 2000 йил кузги-киши мавсумга тайёргарлик кўриш муносабати билан «Сув-соз» трести истеъмолчиларга ичимлик суви босимининг пасайиши ва бўлмаслиги ҳақида қуйидагиларни маълум қилади:

- 19 сентябрь соат 9.00 дан 20 сентябрь соат 9.00 гача**
 1. Ҳамза, Миробод, Сирғали туманларида сув босими пасаяди.
 2. Ҳамза тумани Оҳангарон шохқўчаси, Бир-лашган, Жарқўрган, Фарғона йўли ва М. Хаса-нова кўчалари чегараларида сув бўлмайди.
 3. Миробод туманининг А. Фитрат ва унга ту-ташган кўчаларида, В. Фетисов, Мирсолиқов ва Фитрат маззеларида сув бўлмайди.
 - 20 сентябрь соат 9.00 дан 21 сентябрь соат 9.00 гача**
 1. Сирғали туманининг Навойи маҳалласида, Узғариш қишлоғида сув босими пасаяди.
 2. Сирғали туманининг Чоштепа, Саъдий кўчаларида сув бўлмайди.
 - 21 сентябрь соат 9.00 дан 22 сентябрь соат 9.00 гача**
 1. Миробод, Чилонзор туманларида сув бо-сими пасаяди.
 2. М. Улугбек тумани: академик Я. Ғуломов, Шахрисаб ва уларга туташган кўчалари. Миробод тумани: Нукус, Шахрисаб, Қунаев ва уларга туташган кўчалари. Яққасарой тумани: Ш. Руставели, Мирокид-лов, Б. Брбоев ва уларга туташган кўчаларида сув бўлмайди.
 - 26 сентябрь соат 9.00 дан 27 сентябрь соат 9.00 гача**
 1. Сирғали тумани: Слутник 1 дан 17-мавзе-ларида сув босими пасаяди.
 - 27 сентябрь соат 9.00 дан 28 сентябрь соат 9.00 гача**
 1. Собир Раҳимов, Акмал Икромов туманла-рида сув босими пасаяди.
 2. Миробод тумани: Нукус ва унга туташган кўчаларида сув бўлмайди.
 - 2 октябрь соат 9.00 дан 3 октябрь соат 9.00 гача**
 1. Юнусобод тумани: Ф. Мавлонов, Х. Эр-гашев, генерал Шералиев ва уларга туташган кўчаларида сув бўлмайди.
 2. Миробод тумани: Қўйлик 1, 2, 3, 4-дахаларида сув бўлмайди.
 - 3 октябрь соат 9.00 дан 4 октябрь соат 9.00 гача**
 1. Акмал Икромов тумани 11-мавзе 9-уйдан 18-уйгача ва 31-уйдан 63-уйгача сув босими пасаяди.
 2. Чилонзор тумани 11,12-мавзе 16-уйдан 24-уйгача.
 - 4 октябрь соат 9.00 дан 5 октябрь соат 9.00 гача**
 1. Ҳамза, Миробод, Сирғали, Яққасарой ту-манларида сув босими пасаяди.
 2. М. Улугбек тумани: Пушкин, Дархон, Х. Олимжон, Буюк Ипак йўли, Олой, Ирригатор маззелари ҳамда Пушкин, Азимов ва уларга ту-ташган кўчалардаги уйлarning юқори қаватла-рида сув бўлмайди.
- Сув бўлмаган жойларга сув ташувчи махсус автомашиналар юборилади.
- Телефонлар: 133-15-95, 133-75-95, 152-60-08.

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Манзил: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39.
факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.
Навр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
Қоғоз бичими А-2

Нашрига отқазиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимлари ёки «Тошкент почтамати»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўттиш тартиби: №10.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси.
Конкорна манзили:
«Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.